ЛЕНИННИНГ НОМИ ВА ИШИ АСРЛАР ОША ЯШАЙДИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 92 (5383).
21 АПРЕЛЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, улуғ Ленин васиятларига садоқат—барча ғалабаларимизнинг гаровидир!

(КПСС Марказий Комитети 1 Май Чақириқларидан).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида партия Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорлари бажарилишини ташкил этиш билан боғлиқ бир қанча масалаларни кўриб чиқди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, совет кишилари КПСС Марказий Комитети Пленуми билан ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг қарорларини Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга, социалистик давлатчиликни ва демократияни, мамлакатнинг ёш авлодини коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштиришга қаратилган узоқ муддатли иш программаси сифатида кутиб олдилар. Сиёсий бюро апрель Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни амалга оширишга доир биринчи навбатдаги ташкилий-сиёсий ва пропаганда тадбирлари планини тасдиқлади. Барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг эътибори асосий куч-ғайратларни халқ депутатлари Советларининг ишини изчил яхшилаш, партия ва совет кадрларининг масъулиятини ошириш, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни муттасил амалга ошириш билан боғлиқ амалий қадамларга қаратиш зарурлигига жалб этилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриевнинг мамлакатда авж олиб кетган кўкламги дала ишларининг бориши тўғрисидаги ҳамда КПСС Марказий Комитетининг кўкламги экиш масалаларига доир қарорларини бажариш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳақидаги ахбороти тингланди. Тегишли министрликлар, идораларнинг раҳбарларига, маҳаллий партия ва совет органларига кўрсатмалар берилди. Партия комитетлари келгуси ҳосилнинг мустаҳкам заминини яратиш борасидаги бутун ишлар комплексининг амалга оширилиши устидан контролликни кучайтиришлари бевосита бригадаларда, звеноларда, механизаторлар орасида, ҳозир далада меҳнат қилаётган барча кишилар ўртасида партиявий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Украина Компартияси Марказий Комитети ва Украина ССР Министрлар Советининг, бир қанча Иттифоқ министрликлари ва идораларининг Украина ССР колхоз ва совхозларида дон ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларини барқарор етиштиришни янада ошириш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисидаги таклифлари маъқулланди. Республика экономикасининг аграр секторини муттасил ривожлантиришни таъминлаши лозим бўлган ана шу тадбирлар резервлардан ва илғорлар тажрибаси ютуқларидан жуда яхши фойдаланиш, қишлоқ хўжалик техникаси ва ўғитлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш, қишлоқни ссциал жиҳатдан қайта қуришни жадаллаштириш билан чамбарчас қўшиб олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси бир қанча энг муҳим кўрсаткичлар юзасидан ўн биринчи беш йиллик топшириқларини 1985 йилнинг августида нишонланадиган стахановчилар ҳаракатининг эллик йиллигигача бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборган кўмир саноати, металлургия ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари меҳнат коллективларининг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Партия, совет, касаба союз ва комсомол органларига мамлакатда шу ташаббусни кенг кўламда оммалаштириш, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишда ва меҳнаткашларни тарбиялашда стахановчиларнинг анъаналаридан актив фойдаланиш борасидаги зарур ишларни амалга ошириш топширилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида кинофильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини янада ошириш ва совет кинематографиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида совет воқелиги, жамиятнинг иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётидаги ютуқлар ёрқин ифода этиладиган асарлар яратиш соҳасида кино ходимларининг ижодий кучларини активлаштиришга қаратилган тадбирлар комплекси кўзда тутилади. Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши партиянинг идеология ишида кино санъатининг ролини кучайтириш, аҳолига кино хизмати кўрсатишни анча яхшилаш, киностудияларни ҳамда бошқа кино корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта таъминлаш, янги кинотеатрлар қуриш ҳисобига кинематографиянинг моддий базасини мустаҳкамлаш имконини беради.

Сиёсий бюро СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ленин мукофоти ва давлат мукофоти комитетларининг фан ва техника соҳасида ҳамда адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида эришилган ғоят катта ютуқлар учун 1984 йилги Ленин мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларини маъқуллади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мукофотларни бериш тўғрисидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакат ички ҳаётига ҳамда КПСС билан Совет давлатининг ташқи сиёсий йўлини амалга оширишга доир бошқа баъзи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

«Буюк Почин» анъаналари изидан

Уфқда қуёш эндигина қизариб келмоқда. Эрталаб соат 7.30. Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи паровозининг гудоги садоси бутун Ленин райони бўйлаб ёйилиб кетди... Худди шу сигнал бўйича бундан 45 йил муқаддам Тошкентда илк коммунистик шанбалик бўлиб ўтган эди. Ишчилар дастгоҳлари ёнига бориб ишладилар. Янги ҳавозалар кўтарилди. Меҳнат коллективлари, шаҳарнинг бутун аҳолиси кўча, майдон, ҳовли ва хиёбонларга чиқиб, ободонлаштириш ишларида фаол қатнашдилар.

Ишчи кийимидаги бу ҳақиқий байрам руҳини сўз билан ифодалаш қийин. У қаҳрамонона ишчилар синфининг шонли революцион ва меҳнат анъаналарига, Ильич васиятларига садоқатининг энг ёрқин далилидир.

Мамлакат халқ хўжалиги Ўзбекистон пойтахти саноат ходимларидан қўшимча 12,5 миллион сўмлик маҳсулот — 7 та пахта териш машинаси, 10 та компрессор, 2 та экскаватор, 36 та чигит экиш сеялкаси, 600 минг метр ип-газлама ва бошқа маҳсулотларни қабул қилиб олди.

Қурувчилар ва транспортчилар аъло ишладилар. Фақат биринчи сменанинг ўзидагина салкам икки миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Юз минглаб тошкентликлар ободонлаштириш ишларида қатнашдилар, дарахт кўчатлари ўтқазишди.

● ЛЕНИН РАЙОНИ

Бугун Ленин районида апрелнинг эрта тонгидаги сукунатни Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводидаги гудокнинг чўзиқ товуши бузди.

«Қизил шанбалик»нинг бошидаёқ тепловоз ремонтчилар ўз оталари ва боболарининг шонли анъаналарига содиқ эканликларини кўрсатдилар.

Тепловоз ремонтчилар билан бирга коммунистик шанбаликда Ленин районининг юз мингдан ортиқ меҳнаткаши иштирок этди. «Средазэлектроаппарат», «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ишчилари, асфальт-бетон заводи ва бошқа корхоналарнинг ишчилари ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар.

● ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

Октябрь районининг кўчалари ва уй-жой кварталлари бўйлаб борар экансан, у янада гўзал ва ораста бўлганлигига эътибор берасан. Минглаб кишилар кўчаларни ораста қилиш учун умумхалқ ҳашарига чиқишди.

Бугунги коммунистик шанбаликда ҳаммаси бўлиб 173 корхона, ташкилот ва идора қатнашди. 100 минг киши юқори меҳнат унумдорлиги ва сифати намунасини кўрсатди.

● АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

Коммунистик шанбалик куни «Средазгазавтоматика» заводи коллективи топшириқни 104 процент бажаришга аҳд қилган эди. Мана, бугунги смена бошидаёқ В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигини энг юксак меҳнат унумдорлиги билан нишонлашга аҳд қилган машинасозларнинг сўзи билан иши бир эканлигини кўрсатди.

Акмал Икромов районининг 134 мингдан зиёд меҳнатчиси бугун ўзларининг шонли анъаналарига содиқ эканликларини намоён қилдилар. «Қизил шанбалик»да 228 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Беш йиллик фондига 35,4 минг сўм ўтказиш белгиланди.

● СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

Собир Раҳимов районининг 30 га яқин корхонаси ишчи ва хизматчилари шанбаликка чиқдилар.

Шанбалик кунида қарийб 34 минг киши саноат ва қурилишда, транспортда ўз иш жойини эгаллади. 99 минг киши ободонлаштириш ишида банд бўлди. Шанбаликнинг бориши, зарбдорлар, илғорлар ва новаторларнинг ютуқлари ҳақида радиогазеталар ва молниялар орқали хабар берилиб турилди.

● СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

Сергели район партия комитетига, коммунистик шанбаликни ўтказиш бўйича район штабига ҳар икки соатда меҳнат коллективларидан маълумотлар келиб турибди.

Район бўйича коммунистик шанбаликда 57,8 минг киши иштирок этди, 753 минг сўмлик саноат маҳсулоти, шу жумладан 340 минг сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди. Беш йиллик фондига 29,3 минг сўм ўтказилди.

● ФРУНЗЕ РАЙОНИ

Корхоналарда, қурилишларда, транспорт корхоналарида, маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида юксак сафарбарлик руҳи ҳукмрон бўлди.

Район штабига қабул қилинган мажбуриятлар бажарилаётганлиги ҳақида рапортлар кела бошлади. Улар иккинчи смена охирида мамлакат халқ хўжалиги қўшимча 9 та йигирув машинаси, 600 минг метр ип-газлама, 48 тонна калава, 8 минг жуфт пойафзал, юз минг сўмлаб металл конструкциялар, қурилиш материаллари, абразив, силикат, пластмасса буюмлари ва бошқа маҳсулотлар олишидан далолат беради.

Ишлаб топилган 130 минг сўмликка яқин ҳақ беш йиллик фондига ўтказилди.

● КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

Эрта тонгданоқ район байрам тусини олди. Ҳар бир ишчи ўз иш жойида, қурилишда, ободонлаштириш ишларида, кўча, майдон, турар жойларни кўкаламзорлаштиришда яхши иштирок этди. «Қизил шанбалик» кунида айниқса, «Средазкабель», Тошкент трактор заводи бирлашмалари коллективи, машинасозлик заводи, экскаватор, 4-қурилиш трести меҳнаткашлари жонбозлик кўрсатди.

Мана, байрамнинг биринчи меҳнат якунлари: район индустрияси 2 миллион 100 минг сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрлади, ўн биринчи беш йиллик фондига эса 84 минг сўм ўтказилди.

● ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

Ҳали тонг отмасданоқ «Ташкентхлеб» бирлашмаси дарвозасидан тайёр маҳсулотлар ортилган машиналар бирин-кетин чиқа бошлади. Коллектив коммунистик шанбаликни шаҳримизда биринчилардан бўлиб бошлади.

Шанбалик тамом бўлгач қуйидаги маълумот олинди. Иқтисод қилинган маҳсулот ҳисобидан 100 минг сўмлик нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Шанбаликда Чилонзор районидаги 250 дан ортиқ корхона социалистик мусобақани қизғин тус олдириб, юқори меҳнат унумдорлигига эришди. Корхоналарда 8,5 минг ишчи меҳнат қилди. Қурилиш майдонларида, соғломлаштириш объектларида, ўқув юртларида 12 минг 700 киши қатнашди.

Чилонзор райони бўйича ўн биринчи беш йиллик фондига 92 минг сўм ўтказилди.

● ҲАМЗА РАЙОНИ

Бугунги меҳнат куни Ҳамза районининг юз минглаб меҳнаткашлари ҳаётига алоҳида маънога лиммолим, алвон ранг шиорлар ва байроқларга бурканган байрам сифатида кириб келди. «Коммунистик шанбалик куни тайёрланган» — «Ташсельмаш», электр монтаж буюмлари заводлари, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари ишлаб чиқарган бугунги маҳсулотларда ана шундай ёзув пайдо бўлди.

160 минг ҳамзалик В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигини цех ва қурилиш майдонларида, кўчалар ва майдонларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш д а зарбдор меҳнат билан нишонлади.

Дастлабки маълумотларга қараганда беш йиллик фондига камида 213,2 минг сўм ўтказилган.

● КИРОВ РАЙОНИ

Районнинг «Узбексельмаш», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, асбобсозлик заводи ва бошқа корхоналарида меҳнат симфонияси авжида.

Кировликлардан 113 минг киши шанбаликда иштирок этмоқда. 800 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шулардан 97 минг сўмлиги иқтисод қилинган хом ашё ва материаллардан тайёрланади. Беш йиллик фондига 42 минг сўм ўтказилади.

Кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Меҳнат байрами давом этмоқда. Барча тошкентликлар қатори кировликлар ҳам қалбда Ленин номи билан меҳнат қилишяпти.

Кремлда тантанали мажлис

Владимир Ильич Ленин-нинг барҳаёт номи инсоният тарихига жаҳонни революцион қайта ўзгартириш рамзи бўлиб кирди. Совет халқи, ер юзидаги барча тараққийпарвар кишилар В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллиги — шонли санани нишонлар эканлар, мутафаккир ва революционер, Улуғ Октябрь илҳомчиси, Коммунистик партия асосчиси билан Совет давлатининг ташкилотчиси — Ленинга ўзларининг чексиз ҳурмат ва меҳр-муҳаббатларини қайта-қайта изҳор қиладилар.

Партия билан халқ ўз ишлари ва режаларини Ленинга таққослаб, коммунистик жамият қуришнинг улкан бунёдкорлик вазифаларини ҳал этмоқда. КПСС, унинг Марказий Комитетининг бутун фаолияти йўлбошчи васиятларига садоқат билан суғорилган. Совет кишилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини зарбдор меҳнат билан мустаҳкамлашга, юксак самара билан, куч-ғайратни аямай меҳнат қилишга интилмоқдалар. Социализм ва коммунизм тўғрисидаги ленинча ғоя омманинг онгли ижодкорлиги сингари ҳозирги пайтда Ильич туғилган кунни, Биринчи Май байрамини янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олаётган халқимизнинг сиёсий ва меҳнат активлиги ғоят ўсганлигида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

20 апрель куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Пойтахт ва Москва областининг ишлаб чиқариш илғорлари, КПСС ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари бу ерга йиғилдилар. Чет эл дипломатлари, ажнабий меҳмонлар иштирок этмоқдалар.

Соат 17. Тантанали мажлис қатнашчилари **К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни гулдурос давомли қарсаклар билан ўринларидан туриб кутиб оладилар.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР министрлари, КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетларининг секретарлари, Ленин партиясининг ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам президиумдан жой оладилар.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди. Сарой гумбазлари остида Совет Иттифоқи гимни тантанавор янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари **В. И. Долгих** «Ленин таълимоти ва иши миллионларнинг революцион ижодида рўёбга чиқмоқда» деган мавзуда доклад қилди.

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди. (Доклад тонгги газеталарда эълон қилинган).

Тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб, баланд руҳ билан «Интернационал»ни ижро этадилар.

Сўнгра катта байрам концерти қўйиб берилди. (ТАСС).

УЛУҒ ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

Лениннинг мангу барҳаёт таълимоти дунёнинг янгиланиши рамзи, давримизнинг революцион байроғи бўлиб қолди. Коммунистик партия билан дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси — Ильичнинг номи ва иши ер юзидаги миллион-миллион оддий кишиларнинг қалбида яшамоқда, энг одилона жамият қуриш, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини турмушга татбиқ этиш учун курашда мамлакатимиз меҳнаткашларини илҳомлантирмоқда.

Ўзбекистон меҳнатчилари бутун совет халқи билан биргаликда Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 114 йиллигини тантанали нишонламоқдалар. Республика шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси шонли санани Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада янги ютуқлар билан нишонлади. Улар саноат корхоналари ва қурилишларида, колхоз ва совхозларда фидокорона меҳнат қилиб, улуғ Ленин, Коммунистик партия ишига астойдил содиқ эканликларини тасдиқламоқдалар.

20 апрель куни Тошкентда шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройига республика пойтахти ва Тошкент областининг ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ветеранлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг намояндалари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари тўпланишди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов доклад қилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари К. Н. Могильниченко, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари В. Д. Ткаченко, В. Д. Черкашин иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

АЗИЗ ДОҲИЙ ХОТИРАСИ

Жаҳон пролетариатининг доҳийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин сиймоси совет кишилари қалбидан ҳеч қачон ўчмайди. Барҳаёт Ленин ғояларига садоқат уларни ҳамиша зафарлардан зафарларга бошлайверади.

Ильич туғилган куннинг 114 йиллиги арафасида — 20 апрель куни Ўзбекистон пойтахтининг минглаб аҳолиси планета халқларига озодлик ва бахт-саодат тўғри йўлини кўрсатиб берган буюк киши хотирасини ҳурмат билан эслаш учун шаҳарнинг Ленин номидаги бош майдонига келди.

В. И. Ленин улуғвор ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетидан, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан, корхоналар ва қурилишлар, муассасалар ва ўқув юртларининг коллективларидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйиш тантанали маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).





1. УЛУҒ ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

Тошкентликлар бугунги зарбдор меҳнатларини В. И. Ленин туғилган кунга бағишлашмоқда. Жумладан, асбобсозлик заводининг коммунистик меҳнат зарбдорлари эр-хотин Турсун ва Елена Пўлатовалар шанбалик куни смена топшириғини 1,5 баравар бажариш мажбуриятини олишган. Октябрь революцияси номли завод қуюв цехининг В. Руденко бошлиқ бригадаси мажбуриятлари ҳам ана шундай юксак.

ДЕПУТАТ КУНИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг катта залида Депутат куни бўлиб ўтди. Тошкент шаҳри ривожланишининг истиқболи ва Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига тайёргарлик тўғрисида 258-сайлов округидан шаҳар Советининг депутати, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-план л а штириш Бош бошқармаси бошлиғи С. Р. Одилов доклад қилди.

Бутуниттифоқ «Билим» жамияти лектори В. П. Хорев халқаро аҳвол тўғрисида лекция ўқиди.

БАШАРИЯТ ҚУЁШИ

БУЮК ВА КАМТАР ИНСОН

(ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТЎҒРИСИДАГИ ХОТИРАЛАРДАН)

Аппарат ичида ҳам Ильич ҳар қандай бюрократизмга хотима беришга ҳаракат қилар, ҳар бир ходимга эътибор билан қарашни, ўз аппаратидаги кишиларни билишни, ишда ҳам, ишлаш учун тегишли шароит яратишда ҳам уларга ёрдам беришни талаб қилар эди. Мен Халқ маориф комиссарлигининг мактабдан ташқари тарбия бўлимида ишлар эдим. Ильич менинг аппаратимдаги ходимлар тўғрисида ҳамиша сўраб турар, уларни билар, у ёки бу ходимдан у ёки бу соҳада тўлароқ фойдаланишни маслаҳат қилар эди. Улар тўғрисида қандай ғамхўрлик қилаётганимни, уларнинг қандай овқатланаётганини, болаларининг аҳволини мудом сўраб турар эди. Баъзан у менинг ходимларимни ўрганганн, умрида кўрмаган бўлса-да, менга нисбатан яхшироқ билганлиги маълум бўларди...

Н. К. КРУПСКАЯ.

●

...Уни тасвирлаш қийин. Балиқ тангачалари билан безалганидек, Лениннинг ташқи қиёфаси унинг сўзларида тўла акс этарди. Ўзи ҳам сўзлари сингари содда ва дангал эди.

Унинг қаҳрамонлиги ташқи жиҳатдан деярли ҳеч билинмас эди, унинг қаҳрамонлиги — Россияда кам бўлмаган — ер юзида социал адолат ўрнатиш мумкинлигига сидқидил билан ишонган софдил рус интеллигент — революционерининг камтарин, аскетларча фидокорлиги ва ботирлигидир, унинг қаҳрамонлиги — одамларнинг бахти деб, оғир ишларни бажариш учун дунёнинг бутун вақти чоғликлардан воз кечган бир кишининг қаҳрамонлигидир.

...Лениннинг ҳаётга бўлган ва аниқ ифода этилган иродаси ва турмушдаги қабиҳ нарсаларга ўткир нафрати мени ҳайратда қолдирар, унинг ҳамма ишни ёшлик жўшқинлиги билан бажаришини кўриб ҳузур қилардим. Унинг одатдан ташқари ишчанлиги мени қойил қолдирарди. Унинг ҳаракатлари енгил, дадил ва ихчам эди, лекин унинг кучли қўл ҳаракатлари, сўзи оз бўлса ҳам, беҳад бамаъни нутқига жуда мос келар эди.

М. ГОРЬКИЙ.

●

... Владимир Ильич қариндошларини, айниқса онасини жуда ҳам севар, унинг муҳтожлик кўрмай, тинчгина, қийналмай яшаши тўғрисида ғамхўрлик қиларди, буни бевосита онасига, шунингдек, оиламизнинг бошқа аъзоларига ёзган барча хатларидан ҳам кўриш мумкин эди...

М. И. УЛЬЯНОВА.

●

Лениннинг чин инсонлиги тўғрисида бир неча оғиз сўз айтмоқчиман. Бизнинг ҳеч биримиз бундан ҳам самимий ва дилкаш кишини учратмаганмиз. У ҳар томонлама баркамол эди. У ҳар биримизнинг қалбимизга йўл топа оларди. Унинг самимийлигини билмаган бирорта партия аъзоси бўлганмикин!

Ўртоқлари даврасида у ҳамманинг кўнглидаги муддаосини билиб турса ҳам, лекин буни бировга сездирмасди. У ҳамиша хушмуомала ва дилкаш эди.

С. М. КИРОВ.

●

Владимир Ильич қаерда ва қандай кишилар ўртасида пайдо бўлмасин, унинг келиши бирор муҳим масала тўғрисида ўз фикрини айтиш зарурати билан боғланган бўлса, у дарҳол ҳамманинг бутун эътиборини албатта ўзига тортади, деб олдиндан айтса бўларди. У ҳеч қандай дабдабали, баландпарвоз гапларни айтмас, аммо айтган гапларининг ҳаммаси шундай асосли ва сермаъно, шундай ўринли ва таъсирчан бўлар эдики, бундай гапира оладиган кишининг ғоят катта истеъдоди ҳаммага яққол маълум бўларди.

Г. М. КРЖИЖАНОВСКИЙ.

●

Халқ Комиссарлари Советининг мажлислари одатда мана бундай бўларди. Мажлисга сира кечикмай минутини мунутга тўғрилаб боришга ошиқасан киши. Владимир Ильич роппа-роса белгиланган вақтда етиб келар, бизлардан ҳам шунга одатланишни талаб қиларди.

Н. А. СЕМАШКО.

●

У бошлаган ишини албатта охирига етказар, ваъдасига ваъфо қилар, қарзларини сўзсиз узар эди. У бизнинг партия кутубхонамизнинг энг интизомли китобхони эди, китобларни жуда ҳам эҳтиёт қиларди. Борди-ю китоб саҳифаларининг четига ишга доир белгилар қўйиш зарур бўлиб қолса, кейин уларни резинка билан ўчириб ташлаш осон бўлсин учун у билинар-билинмас қилиб қаламда ёзиб қўяр эди. Владимир Ильичнинг ўзи ғоят меҳнаткаш бир киши бўлгани учун бошқалар меҳнатини ҳам қандай ҳурматлаш ва қадрлашни билар эди.

В. А. КАРПИНСКИЙ.





2. УЛУҒ ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

Владимир Ильич Лениннинг номи ҳар биримизнинг қалбимизда яшамоқда. Совет халқи унинг ғояларини фидокорона меҳнат билан амалга оширмоқда. Жаҳон пролетариатининг доҳийси Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш учун кўп ишлар қилган. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига ҳар куни юзлаб кишилар унинг хотирасини эъзозлаш учун келмоқдалар. Улар орасида партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишчи ва хизматчилар, студент ва ўқувчилар бор. Лениннинг туғилган кунида биз жонажон Коммунистик партиямизни социалистик она-Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам барча ишларни амалга ошираверамиз, деб ишонтирамиз.





ТАМПЕРЕДА... МУЗЕЙ

ХЕЛЬСИНКИ. Ш... рель кунлари Т... шаҳрининг В. И. Л... музейи жойлашга... литускату кўчасида... ёнида қипқизил... гуллар жуда кўп... пролетариатининг... бошчиси ёдгорлик... ҳаси ва барельефи... фига баҳор гуллар... йилмоқда.

«Финляндия — С... Иттифоқи» жамия... шаҳар бўлими таш... си билан 1946 йил... январида шу му... асос солинган эди... зей 1905 ва 1906... ларда В. И. Ленин... барлигида РСДРП... биринчи ва иккинчи... ференциялари ўт... ган бинода очилган...

Музей экспозиц... доимо янгиланиб, ... йиб бормоқда, деди... зей директори П... Йокела ТАСС муб... билан суҳбатда. Хоз... вақтда унинг иккита... сий бўлими бор. В... Лениннинг Марказий... зейи кўмагида ... янги материаллар б... тўлдирилган биринчи... лим Владимир Ильич... ҳаёт йўли ва револю... он фаолиятини та... лайди. Иккинчи б... Совет давлати асос... нинг Финляндияда б... шига бағишланган...

Бу ердаги стенд... —деб уқтирди П. Й... ла, Совет Иттифоқи... лан Финляндиянинг... носабатлари мисо... пролетар йўлбош... ишлаб чиққан турли... тимоий тузумдаги... латларнинг тинч... яшаш принциплари... дай амалга оширм... ганлиги яққол кўрс... ган.

Н. ГОРБУНО...

● РЕСПУБЛИКАМИЗ БОШ МУЗЕЙИДА

ИЛЬИЧ ЗИЁРАТГОҲИДА

(РЕПОРТАЖ)

Гўзал пойтахтимизнинг марказида қад кериб турган муаззам бу мармар қасрга келаётганларнинг кети узилмайди. Улар орасида ишчилар ҳам, колхозчилар ҳам, студент-ўқувчилар ҳам бор. Узоқ Шарқдан келганларни ҳам, Шимолдан ташриф буюрганларни ҳам —хуллас мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган кишиларни учратамиз. Дарвоқе, чет эллардан ташриф буюраётган кишиларни айтмайсизми? Яқиндагина Болгария, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив Республикаси ва бошқа жойлардан туристлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилишди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, албатта. Чунки доҳиймиз Владимир Ильич Ленин ёққан озодлик қуёши ер шарининг турли бурчакларига нур сочиб турибди. Ҳа, доҳиймиз ғоялари қуёш нури каби жаҳонга таралмоқда. Ҳар куни музейга 5—6 минг киши зиёратга келмоқда.

— Куни кеча В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ташкил этилганига 14 йил тўлди,— деб ҳикоя қилади шу филиалнинг фан бўйича директори ўринбосари Шомансур Шохалилович Шохалилов, — айниқса Ленин кунларида музейга ташриф буюраётганларнинг сонсаноғи йўқ. Ўша кунлари 11—13 минг киши музей экспонатларини зўр қизиқиш билан томоша қиладилар. Ҳа, доҳиймизнинг ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш ниҳоятда кучли!

Шу кунларда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида филиалнинг экскурсиялар бюроси мудири П. А. Богданов гапириб берди.

— Ўтган йили музейга 512 минг киши ташриф буюрган эди. Музей ташкил этилгандан буён эса жами 7 миллион 250 минг киши ташриф буюрди. В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллиги шарафига бир қатор муҳим тадбирлар амалга ошириляпти. Масалан, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси илғорлари ва мураббийларининг слёти, Ленин райони пионерларининг «Ленин— раҳбар, ўртоқ, инсон» мавзуида бўлиб ўтган слёти шулар жумласидандир. Айниқса «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг ишини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Бу корхонада мунтазам равишда инженер-техник ходимлар музейимизга ташриф буюриб, унинг тадбирларида актив иштирок этишмоқда. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилар ётоқхоналарида истиқомат қилаётган кишилар ҳам мунтазам ҳузуримизга ташриф буюришмоқда.

...Ҳақиқатан ўтказилаётган тадбирларнинг чеки йўқ. Музейда ҳар куни пионерликка қабул қилиш тадбири ўтказилмоқда. Айниқса олий ўқув юртлари ва техникумлар музей тадбирларида активлик кўрсатяпти.

Кинолекторий фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқ керак. ТошДУ, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, ТошПИ базасида «Ленин — Октябрь доҳийси» мавзуида кинолекторий ишлаб турибди.

Музей заллари бўйлаб оҳиста айланамиз. Музейнинг 20 та залида 3 мингдан зиёд экспонатлар бор. Уларда Ленин ва партия ҳужжатлари, турли экспонатларнинг суратлари, Ленин қадамжоларидан келтирилган нусҳалар ҳамда макетлар, доҳиймиз ҳаётини акс эттирувчи кўплаб материаллар мавжуд. Бу ердаги ҳар бир сурат, ҳужжат, материал, қўлёзмани кўзга суртгинг келади. Негаки, уларнинг ҳар бирида доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг буюк тафаккури, нигоҳи, муҳри бор. Музей экспонатларидан айниқса доҳиймизнинг Ўрта Осиё республикаларини гуллаб-яшнатишга беқиёс ёрдам бергани ва ғамхўрлик кўрсатгани яққол кўриниб турибди. Музейга Тошкент меҳнаткашлари тақдим этган совғалар виставкасининг экспонатлари ҳам халқ меҳрини ёрқин кўрсатиб турибди. Ленинча миллий сиёсат туфайли совет Ўзбекистонининг пойтахти мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнамоқда. Буни ҳар бир кекса-ю ёш, яхши билади. Пойтахтимиз кўз ўнгимизда кун сайин янада яшнаб, камол топиб бораётгани доҳиймиз ғоялари тўла тантана қилганлигининг тимсолидир.

Ҳ. АБРОРОВ.

ЛЕНИННИ ЭСГА ОЛМОҚДАЛАР

ЖЕНЕВА. «Швейцарияда Лениннинг хотираси абадий сақланиб қолади. Маркс билан Энгельс ишининг улуғ давомчиси В. И. Ленин бизнинг мамлакатимизда узоқ вақт яшаб, ишлаганлигидан биз — коммунистлар фахрланамиз»,— деди Швейцария меҳнат партиясининг фахрий раиси Жан Венсан ТАСС мухбири билан суҳбатда. «Дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси революцион ҳаракатнинг улуғ файласуфи, доҳий стратеги ва тактиги бўлган эди. Шу сабабли Лениннинг номи тинчлик ва социализм идеалларини азиз билувчи ҳамма кишилар учун муқаддасдир».

Ленин Швейцарияни яхши билар, унинг меҳнатсевар халқини севар ва ҳурмат қилар эди — деб таъкидлади Ж. Венсан. У Россияга жўнаб кетиши олдидан «Швейцария ишчиларига хайрлашув мактуби» билан мурожаат этди. Шу мактубда Ленин сиёсий муҳожирларга меҳмондўстлик кўрсатиб ўртоқларча муносабатда бўлинганлиги учун миннатдорчилик билдирди, Швейцариядаги революцион демократиянинг тақдири ҳақида астойдил қайғуришини изҳор қилди. Кичик бўлса ҳам жуда сермазмун бу ҳужжат ҳозир ҳам ўз кучи ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. Швейцария меҳнат партиясининг активлари шу хатни мароқ билан ўрганиб, Ленин асарлари билан танишмоқдалар. Шу сабабли Швейцария ишчилар ҳаракатида Лениннинг ғоялари яшамоқда, унинг марксча-ленинча авангардини илҳомлантирмоқда, деб тўла асос билан айтиш мумкин, дейди Ж. Венсан.

Лениннинг асарлари, унинг фикрлари ва маслаҳатлари ҳамиша дилимизда, улар меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун, уларнинг ҳуқуқлари озодлиги учун, тинчлик учун курашда бизга ёрдам бермоқда. Уруш хавфи кучайганлиги муносабати билан тинчлик учун кураш айниқса актуал аҳамият касб этмоқда. Тинчлик — бутун инсониятнинг асосий мақсадидир, деди Швейцария коммунистларининг раҳбари. Шу сабабли Ғарбий Европа мамлакатларида урушга қарши ҳаракат юксалиб бораётганлиги Швейцарияда ҳам кенг акс садо берди ва қўллаб-қувватланди.

● Сўз—Ленин ордени кавалерларига

Ушалган орзулар

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимиятининг тонготарида мамлакат қишлоқ хўжалиги учун юз минг трактор бўлишини орзу қилганди. Худди ўша даврда, яъни 1921 йил 26 майда «Известия ТурЦИКа» газетаси шундай деб ёзган эди: «Главтекстилдан олинган маълумотларга қараганда Туркистон деҳқонлари учун керакли кетмонларни тайёрлаб бериш Стокгольмга буюрилган». Мана шу фактнинг ўзи Совет ҳокимиятининг тонготарида Туркистон ўлкаси ва унинг йирик шаҳри Тошкентниг индустриал қуввати қай даражада заиф эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

20-йилларнинг иккинчи ярмида эса Совет ҳокимияти Америка Қўшма Штатларидан «Форзон» тракторларидан бир туркумини сотиб олиб, Ўзбекистонга жўнатганда ўзбек деҳқонлари бу ўзи юрар машинага ҳайрат билан тикилишганди.

Шундан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Дастлабки беш йилликлар даврида республикамизнинг машинасозлик саноатида беқиёс ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда республикамизда тайёрланаётган машина ва ускуналар ўнлаб чет эл мамлакатларига экспорт қилинмоқда, уларнинг харидорлари йил сайин ортиб бормоқда.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси республика қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг гигант корхоналаридандир. У пахтачиликка мўлжалланган тракторлар ва прицеплар шлаб чиқаришга ихтисослашган.

КПСС XXVI съезди қарорларида корхонамизни реконструкциялаш ва бу ерда пахтачиликка мўлжалланган юз от кучли тракторлар ишлаб чиқариш белгиланган. Ҳозирги пайтда партия съездининг бу қарори муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Яқинда корхонамизда «МТЗ—100» маркали дастлабки трактор тайёрланди. У ҳозир Қибрайдаги тажриба-эксперимент а л базада давлат синовидан ўтяпти. Янги трактор ўзининг ўтмишдошидан бир қатор афзалликларга ... Унинг кабинасида ... ханизатор учун ... қулайликлар ... ган. Юмшоқ ... механизаторнинг ... йига қараб мосла... рилади; орқа, ... ва тепага сурил... Бошқариш прибо... ри, ричагларни ... ва ихчам қилиб ... ланган. Ёруғ ... ёзда ва қишда ... дил иқлимни та... лайди.

1985 йилнинг ... га бориб, янги «МТ... 100» трактори ... ердан туша бошла... Унинг республи... колхоз ва совхоз... етказиб бери... қишлоқ хўжали... айниқса пахтачи... ни юксалтиришга ... динга томон кўй... катта қадам ... Бирлашмамиз ... лективи В. И. Ле... туғилган куннинг ... йиллигини му... меҳнат туҳфалари ... лан кутиб ол... Коллективимиз ... тор ва прицеплар ... лаб чиқариш ... биринчи квартал ... нини ортиги ... этди. Колхоз ва ... хозларга 6588 ... трактор, 8940 ... 1.600 минг сўм... ортиқ эҳтиёт ... юборди.

Коллектив и... В. И. Ленин ту... кун шарафига ... лаётган бугунги ... зил шанбалик»да ... юксак меҳнат ... дорлигига эришди... гун бирлашма... иш сменаси одат... дан анча барвақт ... ланди. Аксарият ... чилар смена ... риқларини ортиги ... лан адо этишди. ... сан менинг ўзим ... куни 1,5 норма ... бажардим.

Биз тракторо... ўзимизнинг ... на меҳнатимиз ... доҳиймиз В. И. Ле... орзуларини ... чиқараётганлигим ... ишчи ва деҳқон... синфи ўртасидаги ... зилмас иттифоқ... янада мустаҳка... нишига муносиб ... қўшаётганлигимиз ... лан беҳад фахр... миз.

М. ТУРОБ...

«СССР 50 йилл... номли Тошкент тр... тор заводи» ишлаб ... қариш бирлаш... созловчиси, КП... XXVI съезди де... ти.

ДОҲИЙНИНГ ЎЗ ОВОЗИ

В. И. ЛЕНИН НУТҚЛАРИ ГРАМПЛАСТИНКАГА ЁЗИБ ОЛИНГАНЛИГИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА

Бутуниттифоқ «Мелодия» граммофон ёзув фирмаси тайёрлаб чиқарган пластинкалардан Лениннинг ҳақиқий овози тиниқ янграйди. Киевдаги «Маяк» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси доҳийнинг 1919—1921 йилларда ёзилган нутқлари фонограммаларини янгидан реставрация қилди.

...1918—1919 йиллар. Ёш Советлар республикаси тарихида қийин давр. Нон, милтиқ ва ўқ-дори керак. Шу билан бирга мураккаб масалаларни тушунтириб бера оладиган, далда берадиган, курашга илҳомлантирадиган сўзлар эса ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Мамлакатда қоғоз ғоятда етишмасди, полиграфия саноати тангликка учраган. Китобларнинг тиражлари жуда камайтириб юборилган. «Правда» газетаси икки кичик саҳифада чиқар ва сарғиш ўров қоғозига босилар эди. Айни маҳалда Россияда қарийб ярим миллионта граммофон бор эди. «Музикали қути» мамлакатнинг энг овлоқ жойларигача етиб борганди. Владимир Ильич Центропечать (босма асарлар билан таъминлаш ва уларни тарқатиш Марказий агентлиги) раҳбарларига большевистик пропагандада граммофондан фойдаланиш имкониятларини ўйлаб кўришни таклиф қилди. У пластинка нотиқ ўрнини босолмасада, тарғибот текстларини минглаб нусхада кўпайтириб, энг олис районларгача юбориш мумкин, деб таъкидлади.

В. И. Ленин партия ва давлат арбоблари рўйхатини шахсан тузиб чиқиб, уларнинг нутқларини биринчи навбатда ёзишни таклиф қилган эди. Бу рўйхатда М. И. Калинин, Ф. Э. Дзержинский, А. В. Луначарский, А. М. Коллонтай номлари бор эди.

Владимир Ильич ўртоқларга ўрнак кўрсатиб, партия раҳбарларидан биринчи бўлиб товуш ёзадиган аппарат олдига келади. Бу воқеа 1919 йил март ойининг охирларида бўлган эди. Ўшанда «Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Раиси ўртоқ Яков Михайлович Свердлов хотираси, «III коммунистик интернационал», «Қизил армияга мурожаат» нутқлари — жами саккизта нутқ ёзилганди.

Доҳийнинг нутқлари ўша пайтда алоҳида аҳамиятга эга бўлган актуал мавзуларга бағишланган эди. Буни пластинкаларнинг номларидан билиб олиш мумкин: «Меҳнаткашларни помешчик ва капиталистлар зулмидан қандай қилиб абадий қутқариш керак», «Совет ҳокимияти нима?», «Ўртаҳол деҳқонлар тўғрисида», «Меҳнат интизоми тўғрисида», «Транспорт учун қилинадиган ишлар ҳақида».

Доҳий ҳаётлигидаёқ нутқлари ёзилган пластинкалар Ватанимиз чегараларидан ташқарида — дунёнинг кўпгина мамлакатларига тарқала бошлаганди.

Марказий Давлат товуш ёзуви архиви ташкил этилганида коллектив олдига В. И. Лениннинг ёзиб олинган нутқлари меросини ўрганиш ва Лениннинг йўқолиб кетган фонограммаларини қидириб топиш вазифаси қўйилди. Владимир Ильич нутқларининг 16 товуш ёзуви борлиги аниқланди. Шулардан ўнта оригинали сақланиб, бизгача етиб келган.

Кўп йиллик изланишлар яна тўртта товуш ёзувини топишга имкон берди. Ҳозирги вақтгача топилмаган пластинкалар орасида 1921 йилга тааллуқли иккитаси: В. И. Лениннинг «Озиқ-овқат солиғи ёки продналог тўғрисида» сўзлаган иккинчи нутқи ва «Совет ҳокимияти тўғрисида» сўзлаган нутқидир. Уларни қидириш давом этмоқда.

Товуш ёзадиган аппаратларнинг такомиллашмаганлиги сабабли фонограммаларнинг техникавий сифати паст эди. 1934 йилда граммпласттрест марказий лабораториясининг ёш олимлари ва мутахассислари группаси товуш ёзувларини тиклашга киришди. Натижада кўпгина нуқсонларга барҳам берилди. Ёзувларни тиклаш биринчи босқичи 1938 йилда тугади. Натижада Владимир Ильич нутқлари ёзилган иккита пластинка чиқарилди.

Улуғ Ватан урушидан кейин В. И. Ленин Марказий музейининг топширувига биноан Бутуниттифоқ товуш ёзиш илмий-тадқиқот институти тиклаш ишлари иккинчи босқичини бошлади. Мутахассислар юз метрли товуш ариқчасининг ҳар бир миллиметрини кўздан кечириб, унинг ортиқча жойларини, тирналган, чуқурча жойларини йўқотдилар. Натижада доҳийнинг овози баланд, равшан эшитиладиган бўлди.

Кўпдан-кўп вариантлардан Владимир Ильич овози тембрини аниқроқ эшиттирадигани танлаб олинди. Ёзувларни энг мўътабар экспертлар — доҳийнинг сафдошлари, партиянинг кекса аъзолари тинглаб кўришлари учун берилди. Шундай қилиб энг яхши вариант танлаб олинди. Киевлик реставраторлар эса бундан ҳам сифатли товуш чиқишига муваффақ бўлдилар.

Ҳозир овозли Лениннома тиражи ўн миллионлаб грампластинкалардан иборат. Мамлакатимизда 1919—1921 йиллардаги еттита, саккизта ва ўнта нутқни ўз ичига олган учта узоқ эшиттирадиган пластинкалардан ташқари Ильич айрим нутқлари ёзиб олинган пластинкалар ҳам чиқди.

...Доҳийнинг ўз овози. Бу овоз унинг замондошлари— боболаримиз ва оталаримиз қандай эшитишган бўлса худди шундай янграйди. Владимир Ильичнинг грампластинкаларга ёзиб олинган нутқлари ўлмас бўлиб қолди. Лекин эндиликда Лениннинг овозини пластинкаларгина эмас, шу билан бирга телевизион эшиттириш ва радиоэшиттиришлар, кинофильмлар ҳам бутун ер юзига тарқатмоқда.

А. СИВЦОВ,
ТАСС мухбири.





3. УЛУҒ ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

Владимир Ильич Ленининг кичкинтойларга бўлган меҳри беқиёс эди. Болалар ҳақида доимо ғамхўрлик қилган доҳий образи бадиий кинолентада ўз ифодасини топган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, мамлакатимиз ҳукуматги ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор бермоқда. Болалар ҳақиқий умумхалқ меҳрига сазовор. Биринчи навбатда улар учун болалар боғчаларн ва мактаблар қурилянтн, ёш ўринбосарлар учун минглаб олий ўқув юртларининг эшиклари очиб қўйилган. Доҳий номи билан аталган Тошкент Давлат университетининг таржимон ҳоли Ленин декрети билан бошланган эди. Ленин ғояларини ҳаётга изчил тадбиқ этиш, коммунистик бунёдкорлик йўлидан комил ишонч билан олға бориш ёшларнинг эзгу ишидир.





Шанба оқшоми



— Вадим Михайлович, барча тошкентликлар номидан сизнинг 75 ёшингиз билан самимий табриклашга, янги ижодий муваффақиятлар тилашга ижозат этинг.

— Беҳад миннатдорман. Шаҳрингиз ва республикангиз билан дўстона алоқаларим жуда узоқ тарихга эга. Серқуёш Ўзбекистон пойтахтида кўп бор меҳмон бўлганман, унинг гўзаллиги, меҳнат аҳлининг самимияти ва саховати қалбимдан мангуга ўрин олган.

— Вадим Михайлович, сизнинг асарларингизни республикамиз китобхонлари жуда яхши билишади. «Қилич ва қалқон», «Пешин чоғи кунгай томонда» сингари романларингиз эса ўзбек тилида чоп этилган. Ўзбекистон ёзувчилари билан ижодий алоқаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Алоқаларимиз чиндан ҳам мустаҳкам. Мен ўзбек ёзувчи ва шоирларининг ижодини ҳамиша катта қизиқиш билан кузатиб бораман, уларнинг ҳар бир ютуғидан мен ҳам қувонаман. Ўзбек ёзувчиларининг асарларида меҳнат мавзуси, буюк иттифоқимиз халқларининг дўстлиги ва қардошлиги мавзуси маҳорат билан акс эттирилмоқда.

Ўзбекистон ривожланган социализм даврига қадам қўйди. Бир пайтлар қолоқ чекка ўлка бўлган бу диёр эндиликда Шарқ халқлари маданияти марказига айланди. Йилдан-йилга республика меҳнаткашларининг моддий эҳтиёжлари билан бирга, маънавий эҳтиёжлари ҳам ўсиб бормоқда. Мен совет ёзувчиси сифатида ана шу эҳтиёжни қондириш, асарларим билан ажойиб халқимизнинг маданий ўсишига ҳисса қўшиш, одамларни партия кун тартибига қўяётган улкан вазифаларни ҳал этишга сафарбар этишни ўз вазифам деб биламан.

— Яқинда бўлиб ўтган СССР Олий Советига сайловларда сиз Самарқанд область Булунғур сайлов округидан депутат қилиб сайландингиз...

— Ҳа, бу мен учун катта шараф. Уларнинг юксак ишончини оқлаш учун ҳамма ишни қиламан. Самарқанд областининг колхоз ва совхозларида бир неча бор бўлганман. У ерда адабиётчилардан ҳам, пахтакорлар ва чорвадорлар орасида ҳам дўстларим кўп. Яқинда яна Ўзбекистонга бориш ниятим бор. Ўшанда сайловчилар билан учрашаман, республикангиз меҳнаткашларини тўлқинлантириб турган ишлар ҳақида гаплашиб оламиз.

Тошкентликларга, Ўзбекистоннинг саховатли замини барча аҳлига чин қалбдан меҳнатда янги ютуқлар, катта бахт тилаб қоламан.

ЮБИЛЯР БИЛАН СУҲБАТ

В. КОЖЕВНИКОВ: «МУВАФФАҚИЯТ ЁР БЎЛСИН, ДЎСТЛАР!»

Таниқли совет ёзувчиси, СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари, «Знамя» журнали бош редактори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советн депутати Вадим Михайлович Кожевников 75 ёшга тўлди. Мухбиримиз Н. Муҳаммаднев ёзувчи билан телефон орқали боғланиб, унга оқшомхонларнинг самимий табрикларини етказди.

МАДАНИЯТ ХАБАРИ

ТОШДАН СЕҲРЛИ ОЛАМ

Андижон тепаликларида жойлашган Боғишамол парки сайр этувчиларни дарҳақиқат афсонавий совға билан кутиб олди. Парк ҳимоячилари уларни кулиб турган аждаҳолар, гўзал оҳулар ва хушхабар арслонлар кутардн. Тошдан ясалган шу ҳайвонларнинг ҳаммасини ёш рассом Абдулла Тўхтасинов яратдн.

